Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 12 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (13.094)

Баҳоси эркин нархда

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримов раислигида 11 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Жамғарма ташкил этилганидан буён, хусусан, 2015 йилда амалга оширилган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича фикр юритди.

– Биз катта орзу-ниятлар билан 2002 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этган эдик, – деди Юртбошимиз. – Мана, орадан 14 йил ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун биз нафақат 2015 йилда, балки ана шу ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизга ҳам тўхталсак ўринли бўлади. Болалар спортини ривожлантириш, уни давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида махсус Жамғарма ташкил қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни адо этишда биз нималарга эришганимиз ҳақида, қандай хулосалар чиқаришимиз зарурлиги ҳақида гаплашиб олсак, айни муддао бўлар эди.

Биринчидан, фарзандларимиз, ёш авлодимизни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашни мазкур Жамғарманинг асосий вазифаси сифатида тасдиқлаб олганимиз ҳаммамизга яхши маълум. Фарзандларимизни болаликдан – асосан мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиши, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолишини, бунинг учун барча шароит ва имкониятларни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эдик.

Мажлисда шу борада мамлакатимизда эришилаётган натижалар аниқ рақам ва мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Бундай мисоллар мамлакатимиз бу борада катта ўсиш ва ўзгаришга эришганидан яққол далолат беради.

Иккинчидан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларимиз натижасида ўғил-қизларимиз мунтазам шуғулланадиган спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бормоқда. Масалан, айни шу ёшдаги болалар 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани бу соҳадаги ютуқларимиз нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётганини кўрсатади.

Айниқса, фарзандларимиз биз учун мутлақо янги бўлган бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерпол, эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланаётгани, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шоҳсупаларга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради, деди Президентимиз.

Илгари бугунгидай замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари етти ухлаб тушимизга ҳам кирмас эди. Мисол учун, сузиш деганда, ариқ ёки каналларда, оддий санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган лойқа сув ва ҳовузларда чўмилишни тасаввур қилар эдик. Бунинг оқибатида республикамиз аҳолиси, энг ёмони, болалар ўртасида оғир касалликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқда энг олдинги ўринларда тургани ҳам кечаги тарихимиздан яхши маълум.

Мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган ана шундай оғир вазият туфайли 2000 йилда ҳар 100 минг боланинг 6 мингга яқини ўткир респираторли вирусли инфекцияларга, 576 таси пневмония, 449 таси бронхит, 310 таси сколиоз касаллигига чалинган эди.

Кейинги йилларда кенг кўламдаги иқтисодий, ижтимоий, маиший, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз натижасида бугунги кунга келиб спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайгани биз эришган энг муҳим натижа сифатида албатта барчамизни қувонтиради, деб қайд этди Ислом Каримов. Бундай ижобий ўзгаришларни ҳар қайси ота-она ўз оиласи, ўз фарзандлари мисолида кўриб, спортнинг бу борадаги таъсири ва аҳамиятини тобора чуқур англаб етмоқда.

Учинчидан, қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш борасидаги амалий ишларимиз ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарур. Бу кўрсаткичлар 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган, холос. Бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётгани барчамизга мамнуният етказади.

Вилоятлар миқёсида олиб қараганда, 2015 йилда қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши Фарғона вилоятида 47,6 фоизни, Наманган вилоятида 47,5, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида 47,4 фоизни ташкил этгани эътиборга лойиқ, албатта.

Бу ишларни янада изчил давом эттиришимиз керак, деди Президентимиз. Чунки қизларимиз тимсолида **биз авваламбор бўлғуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз**. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Қизларимизни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида аёл мураббиялар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада махсус қарорлар қабул қилганимиз ўз самарасини бермоқда, деди давлатимиз раҳбари. Илгари спорт соҳасида аёл мураббияларни топиш қийин эди. Қишлоқ жойларда бундай мутахассислар деярли йўқ эди.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб, юксак малакали спорт мураббийлари, жумладан, хотин-қиз мураббиялар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилгани бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини **2015 йилда спорт бўйича мураббий ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайганида, жумладан, аёл спорт устозлари 3,8 баробар ошганида кўриш мумкин.**

Тўртинчидан, болаларимиз келажагини ўйлаб олиб бораётган мана шундай ишларимиз фарзандларимизнинг жисмоний камолотида ўзининг амалий ифодасини топмоқда, деб таъкидлади Юртбошимиз. Масалан, Ўзбекистонда бўй кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келадиган 14 ёшли ўғил болаларнинг улуши бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича 97,9 фоизни, Наманган вилояти бўйича 97,6, Қашқадарё вилояти бўйича 97,1, Бухоро вилояти бўйича 96,8 фоизни, мамлакатимиз бўйича 94,2 фоизни ташкил этмоқда. **Бошқача қилиб айтганда, 14 ёшдаги ўғил-қизларимизнинг бўйи кейинги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметрга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Айни шу йўлда амалга оширган ишларимизнинг яна бир муҳим натижасини **ҳарбий хизматга яроқли деб топилаётган йигитлар сони 2000 йилдаги 63,4 фоиздан 2015 йилда 86,3 фоизга етгани, уларнинг бўйи шу даврда 5,9 сантиметрга ўсиб, ўртача 171,7 сантиметрни, вазни эса 6,2 килограммга ортиб, 67,8 килограммни ташкил этаётгани мисолида кўришимиз мумкин**.

Бешинчидан, барчамизга аёнки, **спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларимиз, ёшларимизнинг соғлом қарашларини шакллантиради ва иродасини тоблайди, уларнинг мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топиши, турли-туман синов ва қийинчиликларни мардона енгиб ўтишга қодир бўлиши учун мустаҳкам замин яратади. Энг муҳими, спорт билан дўст бўлган болалар биз учун мутлақо бегона ва зарарли оқимларга қўшилиб кетмайди,** деди Ислом Каримов.

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимизда янгидан барпо этилган замонавий футбол майдонларида ёшларимиз ўзларининг бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Бундай ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳаётимиз эртанги, онгимиз, дунёқарашимиз ўзгармоқда, ўзимизга, ўз соғлиғимизга, келажагимизга муносабатимиз ўзгармоқда ва бу жараёнда бошқа кўпгина ижобий омиллар қатори аввало спорт катта таъсир кўрсатмоқда.

Олтинчидан, ҳеч кимга сир эмас, спорт саломатликни мустаҳкамлаш билан бирга, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси давлатни оламга машҳур қиладиган беқиёс воситадир. Халқаро майдонларда спортчиларимиз эришаётган ютуқлар қалбларимизда ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотади, **она Ватанимизга бўлган муҳаббат ҳиссини янада юксалтиради.**

Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз тараққиётида ҳар томонлама фахрланишга арзийдиган буюк алломалар, ноёб обидалар, енгилмас саркардалар, паҳлавон ва баҳодирлар жуда кўп бўлган. **Бугун ёшларимиз ана шундай улуғ аждодларимизнинг ворислари сифатида барча жабҳаларда, жумладан, спортда ҳам дунё миқёсида энг юксак шоҳсупаларга кўтарилиб, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини оширмоқда.**

Ўзингиз айтинг, эски тузум даврида жаҳон миқёсида ўтадиган бироита мусобақада "ўзбек", "Ўзбекистон" деган номлар бугунгидек жаранглаб, миллионлаб инсонлар қалбида акс-садо берганини биров эшитганми, Ватанимиз байроғи шунчалар баланд кўтарилганини илгари биров кўрганми, деб алоҳида таъкидлади Юртбошимиз.

Барчамизга мамнуният етказадиган томони шундаки, истеъдодли ўғил-қизларимиз халқаро майдонларда қўлга киритаётган катта ғалабалари билан Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини такрор ва такрор намоён қилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, биргина ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, **983 та медални қўлга киритганини, ёш иқтидорли мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринга сазовор бўлганини ва уларнинг 76 таси Гран-при ва биринчи ўрин эканини айтиш жоиз.**

Мен мана шундай юксак марраларни қўлга киритаётган болаларимизни миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг муносиб вакиллари, деб биламан. Айнан ана шундай азму шижоатли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари билан минг-минглаб тенгдошларига ибрат бўлмоқда, уларни ҳам катта мақсадлар йўлида руҳлантирмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз спорт жиҳозлари ва кийимлари ишлаб чиқаришда уларнинг сифатли, қулай, халқаро стандартларга мос бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, спорт анжомларини ишлаб чиқариш учун лицензия беришни йўлга қўйиш, бу борада ҳам рақобат муҳитини ривожлантириш кераклиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, сузиш ҳавзаларида улар учун қулай шароит яратиш, бунинг учун хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Еттинчидан, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт билан бир қаторда санъат тарбияси, мусиқий тарбия ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир. Чунки жисмоний тарбия ва спорт одамнинг иродасини тарбиялаб, соғлиғини мустаҳкамлашга ҳисса қўшса, мусиқа санъати унинг руҳига озиқ беради, қалбини, энг нозик туйғуларини камолга етказади.

Мусиқа эшитадиган, мусиқа билан шуғулланадиган одам ёмонликдан албатта узоқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз болалар спорти объектларини қуриш билан бирга, **болалар мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият қаратиб келмоқдамиз.**

Бу борадаги ишларимизнинг дастлабки натижаларини мамлакатимизнинг қишлоқ туманлари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, эътиборга молик катта ишларни амалга оширганимиз аён бўлади, деди Ислом Каримов.

Бугунги кунда юртимиздаги 157 қишлоқ туманида 191 болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этгани. Баъзи ҳудудларда, мисол учун, Андижон вилоятининг 14 туманида 20 та, Самарқанд вилоятининг 14 туманида 19 та, Қорақалпоғистон Республикасининг 14 туманида 16 та, Фарғона вилоятининг 15 туманида 16 та мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, замонавий мусиқа асбоблари, юксак малакали педагоглар билан таъминлангани, бошқа вилоятларимизда ҳам шундай ишлар олиб борилаётгани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Мутлақо янгича асосда бунёд этилган айнан ана шундай таълим-тарбия, спорт ва маданият масканларида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўз куч-қуввати, ўз ақл-заковати билан қурадиган ёш авлодимиз камол топаётгани барчамизни чексиз қувонтиради.

Ана шундай ёшларга эга бўлган, ўз олдига юксак ва улуғ мақсадлар қўйиб яшаётган халқни ўз йўлидан асло тўхтатиб бўлмайди, у ўз мақсад-муддаоларига албатта эришади, деди Президентимиз.

Мажлисда мамлакатимизда 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилгани халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланаётгани бу қарор эл-юртимизнинг айни кўнглидаги муддао бўлганидан далолат бериши таъкидлаб ўтилди.

Шу маънода, жорий йил ўзининг мақсад ва вазифалари билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятида янги бир босқич бўлиши муқаррар, десак, муболаға бўлмайди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва кучли омили бўлиб келмоқда ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунки, **спорт – бу аввало соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади,** деди Ислом Каримов.

Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш, бу борадаги мавжуд моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини жаҳон стандартлари асосида янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, спортга меҳр ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётига чуқур кириб боришига эришиш энг муҳим, доимий вазифамиз бўлиб қолади, деди ўз сўзининг якунида Президентимиз.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди ва келгуси 5 йил учун мўлжалланган режалар, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, Тошкент шаҳрида Олий маҳорат спорт мактаблари барпо этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосари Б.Зокиров, халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Э.Искандаров, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари, тегишли бошқарма ва идоралар мутахассислари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

● **Фарғонада "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда турли танловлар ғолиблари, иқтидорли ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

● **Термизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон баликчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази, "Ипотека банк" акциядорлик тижорат банки ва бошқа ташкилотлар иштирокида баликчилик тармоғини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

● **Андижон вилояти Хўжаобод туманида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Андижон вилояти ҳудудий бирлашмаси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилгани таъкидланди.**

ЖАҲОНДА

● **Тайвань оролининг Тайнань муниципалитетида рўй берган кучли зилзила қурбонларининг сони ўттиз етти кишига етди. Яна ўн саккиз нафар одам тахминларга кўра Юнкань районида қулаб тушган ўн етти қаватли бинонинг вайроналари остида қолиб кетган.**

● **Ҳиндистоннинг Веллуру шаҳридаги университет ҳудудида рўй берган табиий офат натижасида Ҳиндистон фуқароси метеорит зарбасидан ҳалок бўлган жаҳондаги дастлабки инсон бўлди.**

● **Венесуэла пойтахти Каракас шаҳридаги савдо марказлари қисқартирилган иш жадвалига ўтадиган бўлди, улар ҳар куни фақат тўрт соатдан фаолият кўрсатади.**

● **Финляндиялик ёнғиндан муҳофаза қилиш хизмати ходими Йоонас Мякипелто турнирда 18 соат давомида 5 минг 50 марта тортилган ҳолда янги жаҳон рекордини ўрнатди.**

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.



3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 1 апрелидан 2016 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 майда – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни “Туркистон” саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87
www.journalist.uz**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига



Темурийлар тарихи давлат музейида ишлар эканман, аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида хорижлик меҳмонлардан фақат илиқ фикрлар эшитиб келяпман. Улар Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Тож Маҳалга қилган зиёратларини ҳаётларининг энг бахтиёр дамларидек менга сўзлаб беришади.

БЕБАҲО МЕРОСДАН БАҲРАМАНДЛИК

Жаҳон халқларининг Бобурийларга бўлган юксак эътирофи қалбимизни ифтихор туйғуси билан мунаввар этади. Турли миллат ва давлат вакилларининг Бобур ҳақида айтган ва ёзган фикрлари билан танишиб, уларнинг баъзиларини сизларга ўзбек тилида ҳавола этишни жоиз деб топдим.

“2015 йил 7 октябрь санасида Дехли шаҳридаги “Trust of India” газетасида Бобур ҳақида навбатдаги мақола эълон қилинди. Унда сиёсатчи Салмон Хуршиднинг қуйидаги мушоҳадалари келтирилган. “Ҳиндистон деганда Бобурийлар даври билан боғлиқ юксак бир маданият кўз олдимизга келади. Ҳозирги кунгача сақланиб келаётган меъморий обидалар, маънавий ва моддий маданият намуналари ва кундалик ҳаётимизда истеъмол қиладиган таомларимизнинг аксарияти Бобур билан бирга кириб келганини ёдга олишимиз керак. Тож Маҳал ёки Қизил қалъа ёхуд бошқа жозибадор бинолар меросимизнинг бир қисмидир. Ҳиндистон ҳақидаги тасаввурларимиз мана шулар билан ажралмас тарзда боғланган. Инсон қилган ишларини ундан қолган ёдгорликлар тилсиз сўзлаб туради. Агар Бобурийлар қурдирган бинолар бўлмаганда бизни жаҳонга танитадиган бошқа бирор иншоот бўлармиди. Бобурийлар ҳарбий стратегияси ва давлат бошқарув тизими бўлмаганда бизнинг мустақил Ҳиндистонимиз бугунгидек барқарор бўлармиди”, — деб жавоб берган эди Салмон Хуршид. Бу бир кичкинагина мақола холос. Адиба Райина Гревел эса “Бобур аждод ва авлодлари ҳақида” номли роман-трилогия ёзгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Трилогия бу нақд учта роман деганидир. Бунинг қанчалик катта меҳнат эканини тасаввур этишнинг ўзи мушкул. Гревелнинг китобида Бобурнинг ҳукмронлиги ва ҳаёти, қийинчиликлардаги бардошли кунлари ва ниҳоят катта бир салтанатга асос солгани ҳикоя қилинади.

У трилогиясида Бобурнинг нафақат қўрқмас жангчи, балки шоир, нозик дидли ёзувчи, табиат гўзалликларига муҳаббати ва эстетик ҳисси юқори бўлган бир инсон сифатида тарихни ёдга олишни истаганини таъкидлайди. Бобурни жангчи тимсолида тасвирлаб ёзилган адабиётлари кўп. Тўғри, у қўшинига қийин вазиятларда ҳам ғолиблик руҳини сингдира олган. Лекин кўпинча ҳарбий деб эслаб келинган шахс шундай гўзал боғлар ва иншоотлар қуриши мумкинмиди?

— Мен Бобурни саркардалиги билан бирга, унинг фидокор ота, вафодор эр, умуман, комил инсон эканлигини ёзишни хоҳладим, — дейди Гревел хоним.

“Фидокор ота” сўзларини ўқиб бир воқеа ёдимга тушди. Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари билан бўлган давра суҳбатида Бобур сиймосини гавдалантирган Муҳаммад Али Абдуқундузов шундай деган эдилар. “Мен Бобур ролини ижро этар эканман, ҳар гал Ҳумоюннинг бетоблиги воқеаси саҳналаштирилаётганида қаттиқ таъсирланардим. Тарихда қанча қироллар, хонлар ва султонлар яшаб ўтди. Уларнинг кўпчилиги тахт учун ўз жигарларини ўлдиришдан ҳам тоймади. Лекин Бобур ҳазратлари, бизнинг бобомиз, ўғлининг дардини ўзлари учун сўраб, фарзандлари саломатлиги учун дуо қилдилар. Бу дуо тез кунларда ижобат бўлиб, Бобур бетобланиб вафот этади. Ҳумоюн эса ота истагига кўра соғайиб тахтга ўтиради”.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳларга ҳам, оталарга ҳам, шоир-у олимларга ҳам ибрат ва ўрнак бўла оладиган етук шахс эди. Бир сўз билан ифодалаганда ватандошимиз эди.

**Комилжон ЮНУСОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими**

БОБУР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси, шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, ижодий суҳбатлар ўтказилмоқда, дея хабар беради ЎзА.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилган адабий-бадиий кечада филология фанлари доктори И.Ҳаққулов, Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ижодий меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Ўзбек Миллий академик драма ва Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрлари ҳамкорлигида ташкил этилган бобурхонлик кечасида адабиётшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, актёрлар, талабалар иштирок этди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бетакрор шеърияти, Шарқ халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, табиати ва қадриятлари ҳақида муфассал маълумот берувчи, инсонни комилликка ундовчи асарлари ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Бобур умри давомида Ватанга ҳурмат ва уни севиш ҳақида куйлаган. Олимлар изланиши, илму маърифат аҳлининг ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратган.

Адабий кечада шоир асарларидан намуналар ўқилди, шеърлари билан айтиладиган мумтоз қўшиқлар ижро этилди. Актёрлар томонидан алломанинг ҳаёти ва ижодига оид асарлардан парчалар намойиш этилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда фармацевтика саноатига қарашли 70 га яқин катта-кичик корхоналар иш олиб бормоқда. Илгари собиқ иттифоқ даврида саноқли корхоналаргина дори ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди. Президентимизнинг 1993 йилда “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони юртимизда дори-дармон ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.

Дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Radiks” хусусий илмий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам 2002 йилда ўз фаолиятини бир неча турдаги дори воситалари ишлаб чиқаришдан бошлади. Бугунги кунга келиб, бу ерда 500 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисмини Тошкент фармацевтика институтини битириб келган мутахассислар билан бир қаторда, шу йўналишдаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Корхонани кенгайтириш ва модернизациялаш ҳисобига 2005 йили замонавий технологиялар олиб келинди ва натижада дори воситаларининг сифати ошиши билан бирга ишлаб чиқариш тури янада кўпайди. Дастлаб 10 турдаги дорилар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб корхонада 35 хил фармацевтик гуруҳга мансуб 165 номдаги дори воситалари тайёрланмоқда. Бу ерда дорилар 7 та асосий цехда тайёрланади, ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. 2011 йилга келиб корхона “ISO – 9001” сертификатини қўлга киритди. Биргина 2015 йил мобайнида 7,1 миллион қадоқ таблеткали, 1,2 миллион дона суртма, 5,9 миллион флакон идишда суюқ, 62,8 миллион ампулада инъекцияли, 6,4 миллион флакон томчили, 2,9 миллион дона антибиотик – жами 35,1 млрд. сўмлик дори воситалари ишлаб чиқарилди.

Корхона 2010-2014 йиллар оралиғида маҳаллийлаштириш дастурига кирганлиги сабабли 5 йил давомида божхона, солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, катта маблағни тежаш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантирди.

— Маҳаллийлаштириш дастури туфайли иқтисод қилинган маблағ эвазига бўш шиша ампулалар тайёрланадиган дрот (боросиликатли шиша найча) ишлаб чиқариш цехини ишга туширдик, – дейди корхона бош иқтисодчиси Ҳусан Тиллаев. — Илгари бўш шиша ампулалари ва дрот хориждан валютага келтирилар эди. Ҳозирда уларни маҳаллийлаштириб, ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхонанинг ривожланишида тижорат банкларининг кредитлари қўл келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Корхона ташкил этилганидан шу кунга қадар бир неча маротаба банк кредитларидан фойдаланилди. 2015-2019 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида корхона томонидан умумий қиймати 8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган янги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани “Бордонкўл” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида корхонанинг “Қон ўрнини босувчи эритмалар ишлаб чиқариш”га мўлжалланган янги филиали қуриб битказилди. Айни пайтда “Ипотека банк” Олмазор филиалидан олинган 10 миллиард сўмлик имтиёзли кредит технологик жиҳозлар сотиб олиш учун тайёрлаб қўйилди. Корхонани 2016 йилда ишга тушириш режалаштирилган. Филиал ишга тушиши билан 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Корхона маъмурияти Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари билан доимий алоқада иш олиб боришади. Уларнинг бевосита ёрдамида юрак хасталикларини даволашда қўлланиладиган янги “Аллапинин” дорися таблетка ва инъекция эритмаси шаклида ишлаб чиқарилди. Яна бир неча номдаги импорт ўрнини босувчи дорилар бевосита институт олимлари изланишлари самараси туфайли яратилди.

2016 йилда корхонада 40 миллиард сўмга яқин дори воситалари ишлаб чиқариш белгиланган, ютуқлардан яна бири корхона ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қила бошлади. Шу пайтгача 148,6 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот четга жўнатилди.

— Жорий йилда GMP Халқаро сифат сертификатини олишни ният қилганмиз, — дейди Ҳ.Тиллаев. — Бунинг учун шу талабга мос равишда ишларни ташкил этаяпмиз. Агар бунга эришсак, ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни нафақат Осиёга, қолаверса, Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилиш имкони вужудга келади.

Бир сўз билан айтганда “Radiks” хусусий илмий ишлаб чиқариш корхонаси мамлакатимиз фармацевтика саноатида ўз ўрнини топиб, аҳоли учун сифатли дори воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириб бораётган йирик корхоналардан бири сифатида фаолият олиб бормоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда инсон омилини кучайтириш, унинг манфаатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Муносиб меҳнат шароити яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида давлат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси мамлакатимизда миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилиши ҳисобга олинган ҳолда, халқаро қонун нормаларига мувофиқ қайта ишлаб чиқилган. Бунда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари инобатга олиниб, 20 дан ортиқ давлатнинг тажрибаси ўрганилган. Қонун лойиҳасида ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ манфаатларини ҳимоя қилиш, иш жойларида етарли шароитлар яратиш, зарарли меҳнат билан фаолият кўрсатаётган ходимларга белгиланган тартибдаги имтиёзлар яратилиши кафолатланиши ўз аксини топгани тадбир иштирокчилари томонидан қайд этилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасига меҳнат муҳофазаси соҳасида махсус ваколатли давлат органини аниқ белгилашга доир янги меъёр ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси тушунчасининг киритилаётганини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда масъул қўмитага қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича тавсияларни тақдим этиш бўйича қарор қабул қилинди.

**А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири**

Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан “ишсиз” деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 22 январдаги 3/70-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миробод туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази в.в.б (Б.Олимов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (М.Рахимбердиева) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУКнинг Миробод туман тармоқ администратори (Р.Хасянов):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirobod.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Миробод тумани ҳокими
Ш.Кадиров**

2016 йил 8 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 15

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Тинч океани". Ҳ/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 "Кариб ҳавзаси" Ҳ/ф.
10.00 "Иқлим".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
13.40 "Заҳириддин Муҳаммад Бобур".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 Миллий сериал: "Аммажоним – аммажон".
15.15 "Иқлим".
15.20 "Бизнес старт".
15.45 "Менинг боғим".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачиқ".
17.30 "Суҳбатдош".
17.45 "Монк". Т/с.
18.30 "Имконият".
18.50 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.25 – 00.10 "Севги мактуби". Б/ф.
00.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.45 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Заковат".
3.30 "Қорачиқ".
3.50 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бобур". В/ф.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Вельвет галереяси". Т/с.
8.40 "Соғлом ҳаёт".
9.00 "Ҳаёт сабоқлари". Т/с.
9.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Ўзбек адабиёти".
11.10 "Мўъжизавий дунё".
12.00 "Уч мушкетёр". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Қора тулпор". Б/ф.
15.00 "Шарқ гавҳари".
15.50 "Бобурёди".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Камолот-инфо".
17.00 "Навоий хазинаси".
17.30 "Танка". Б/ф.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Имкон-шоу".
21.10 "Уч мушкетёр". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Табиб". Б/ф.
00.40 "Навоийга таъзим".
1.40 "Фан ва ёшлар".
4.40 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Бахт маликаси". Т/с.
11.15 "Телетаҳлил".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
12.50 "Пойтахт-Hi-tech".
13.15 "Бахт қўрғони".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Бурч ва муҳаббат". Б/ф.
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Ҳимоя".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
21.20 "Сифат назорати".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Давайте потанцуем". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.20 "Бахт маликаси". Т/с.
1.00 "Poytaxt-eko".
1.10 "Баҳор қайтмайди". Видеофильм.
3.40 "Poytaxt-avto".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт
6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.30 "Орзулар кемаси".
7.00 "Sport online".
8.00 Талқин.
8.30 Футзал. Осиё чемпионати. Қирғизистон – Саудия Арабистони.
10.05 "Rio-2016".
10.25 Футзал. Осиё чемпионати. Хитой – Иордания.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Биатлон.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 "Универсиада".
14.45 Теннис.
16.00 "Спорт сайёраси".
16.15 "Техноспорт".
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 Футзал. Осиё чемпионати. Япония – Австралия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 Футзал. Осиё чемпионати. Таиланд – Вьетнам. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 Жаҳон кубокларида: Биатлон. Чанғи пойгаси.
22.50 "Эътироф".
23.00 Профессионал бокс.
23.50 "Техноспорт".
00.05 Тоғ чанғиси. Жаҳон кубоги.
1.10 ХАБАРЛАР.
1.30 Трамплиндан сакраш. Жаҳон кубоги.
2.25 Футзал. Осиё чемпионати.
3.55 Биатлон. Жаҳон кубоги.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла
6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
6.35 "Обод юрт одамлари".
7.00 "Изҳор".
7.05 Миллий кино. "Югурганники эмас, буюрганники".
8.20 "Турфа маслаҳат".
8.40 "TV анонс".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "Изҳор".
9.05 "Бу гулшанда барҳаётдир назм ва наво". Адабий кеча. 2-қисм.
9.55 "Фирибгарлар". Ҳажвий теленовелла.
10.25 "TV анонс".
10.30 "Бизнес ва тараққиёт".
10.55 "Фотокўзгу".
11.00 "Маҳалламиз спортчилари".
11.45 "Биз сув ичган дарёлар".
12.10 "Табаррук анъана".
12.30 "Маҳаллам ҳақида".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Фериде".
14.20 "Кўнгилдаги гаплар".
15.05 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
15.30 "Ораста бекажон".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
16.30 "Изҳор".
16.35 "Илм қудрати".
17.00 "Фотокўзгу".
17.05 "Сулола".
17.30 "TV анонс".
17.35 "Шарқона маскан".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Гумон".
22.30 "Изҳор".
22.35 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Ён қўшним-жон қўшним".
23.35 "Обод манзиллар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
00.35 "Юксалиш мезонлари".
1.00 Миллий кино. "Фериде".
2.20 "Бола бошидан".
3.10 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
3.40 "Биламиз-ку, аммо".
4.05 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
4.35 "Иш билганга минг танга".
5.00 "Фотокўзгу".
5.05 "Маҳалламиз болалари".
5.25 "Изҳор".
5.30 "Идрок харитаси".
5.50 – 6.00 "Юртим манзаралари".

Болажон
7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Болажон устахонаси".
8.30 "Мультипанорама".
9.50 "Мунчоққўз болажон".
10.00 "ABC-kids".
10.30 "Болалар учун фильм".
12.00 "Ширинтой-кичкинтойлар".
12.20 "Табиатшунос болажон".
12.30 "Саргузаштлар ороли".
13.00 "Мультипанорама".
13.30 "Табиатга саёҳат".
13.50 "Болажон ошхонаси".
14.00 "Болалар учун фильм".
15.20 "Бола бошидан".
15.30 "Миттивойлар мусобақаси".
15.50 "Мультипанорама".
17.00 "Кун тартиби".
17.10 "Bravo English!"
17.50 "Сеҳрли қўллар".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Қувноқ алифбо".
20.00 "Ўйинчоғим-овунчоғим".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Қувноқ стартлар".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Мимино". Б/ф.
7.35 Миллий кино. "Новда".
9.20 Саргузашт фильмлар экрани. "Лос-Анжелес сирлари".
11.35 "Такси-1". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Эфир сирлари".
14.10 Жаҳон киноси. "Сайёҳ".
15.55 Болалар экрани. "Ғарб афсоналари".
17.35 "Ов". Б/ф.
19.00 "Техас воқеаси". Т/с.
19.50 Миллий кино. "Учар қиз".
21.30 "Ҳафта юлдузи". Мег Райан.
21.50 "Сиэтлдаги бедорлар". Б/ф.
23.30 "Шафтолизор". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Тень". Х/ф.
1.50 "Тафаккур ўйинлари". Б/ф.
4.10 – 6.00 "Сўнгги совға". Б/ф.

ЧОРШАНБА, 17

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Об-ҳаво мўъжизаси". Ҳ/ф.
7.25 "Янга". В/ф. 1-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Тирик сайёра". Ҳ/ф.
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Агроолам".
10.30 "Ягона оилада".
10.45 "Навоий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Сени излаб". В/ф.
13.35 "Нигоҳ".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қишлоқ ҳаёти".
14.40 Миллий сериал: "Аммажоним – аммажон".
15.10 "Иқлим".
15.20 "Таҳлил – 25".
15.45 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.30 "Менинг ҳуқуқим".
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Парламент ҳаёти".
17.40 "Монк". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Учбурчак". Ток-шоу.
22.30 – 00.05 "Ўйинчоқ". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Бахт қадри". Б/ф.
3.40 "Қишлоқ ҳаёти".
4.00 "Ахборот".
4.35 "Янга". В/ф. 1-қисм.
5.05 – 5.55 "Учбурчак". Ток-шоу.

Ёшлар
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бобур". В/ф.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Вельвет галереяси". Т/с.
8.40 "Давр мавзуси".
9.00 "Ҳаёт сабоқлари". Т/с.
9.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Давр".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Ўзбек адабиёти".
11.10 "Мўъжизавий дунё".
12.00 "Уч мушкетёр". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Дорбоз". Б/ф.
15.10 "Нуқтаи назар".
15.50 "Болалар спорти".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Баркамоллик йўлидан".
17.10 "Юрт келажаги".
17.30 "Элтув хизмати". Б/ф.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Имкон-шоу".
21.00 "Огоҳ бўлинг!"
21.10 "Уч мушкетёр". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Томас Краун ҳийласи". Б/ф.
00.20 "Ибн Сино". Ҳ/ф.
1.20 "Бобур хазинаси".
2.00 "Ёшлар боғи".
3.20 "Қорақалпоқ ёшлари".
3.40 "Цирк сеҳри".
4.10 "Шарқ гавҳари".
4.40 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.15 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
11.35 "Poytaxt-eko".
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
12.50 "Poytaxt-madaniyat".
13.15 "Ҳикматли дунё" "Бувижон".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Иф қалъасининг маҳбуси". Б/ф. 3-қисм.
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 "Poytaxt-reportaj".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Тошкент вақти".
21.50 "Теле-маркет".
22.20 "Свадьба на два дня". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-авто".
00.15 "Элиза". Т/с.
1.00 "Poytaxt-Hi-tech".
1.10 "Иф қалъасининг маҳбуси". Б/ф. 1-2 қисмлар.
3.35 "Эртамиз эгалари".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт
6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Камолот спорт".
6.40 "Ифтихоримсан, спорт".
7.00 "Sport online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати.
9.50 "RING".
10.25 Футзал. Осиё чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Биатлон. Жаҳон кубоги.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 "Спорт сабоқлари".
14.45 Теннис.
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
